



230105, Nukus shahri, I.Karimov k., 152-uy
Tel: (998-61) 226-00-48, (998-61) 226-00-58,
e-mail: info.mz.rk@ssv.uz

230105, Nökis qalasi, I.Karimov k., 152-jay
Tel: (998-61) 226-00-48, (998-61) 226-00-58,
e-mail: m.kurbanov@exat.uz info.mz.rk@ssv.uz

2023 yil "25" 10
№ 159

**Тахтакўпир, Қораўзак, Қонликўл ва Нукус туман
аҳолисини тиббий кўриқдан ўтказиш тўғрисида**

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2023 йил октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Президент Администрациясининг 2023 йил 5 октябрь кунги 16-2075-сонли хатида кўрастилагн Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал ва Халқ қабулхоналарига 2023 йил 9 оyi давомида қилган мурожаатлари ижросини таъминлаш юзасидан" 01-09/1-10/779-сонли чора-тадбирлар ижросини таъминлаш мақсадида;

1. Қорақалпоғистон Республикаси аҳолисидан Соғлиқни сақлаш соҳасида даволаш ва тиббий хизмат кўрсатиш масаласида мурожаатлар сони кескин ошган Тахтакўпир, Қораўзак, Қонликўл ва Нукус туманларида мақсадли тиббий кўриқ ташкил этиб, фуқаролар чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилиши маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Тахтакўпир, Қораўзак, Қонликўл ва Нукус туман тиббиёт бирлашмалари бошлиқларига;

- туман аҳолисини тиббий кўриқдан кўриқдан ўтказилиши муносабати билан, аҳоли ва тиббий ходимлар учун шароитлар (хоналар, электр токи билан таъминланиши, сув ва ҳ.о.) яратилсин;

- тиббий кўриқ учун керакли асбоб-ускуналар (ЭКГ, УЗИ ва ҳ.) таъминлансин;

- аҳолининг чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказилишини, МФЙ орқали хабардор этилсин;

Маҳаллада ёш оналар ва болаларни парвариш қилиш, улар овқатланиши рационининг сифати ва калориялилигини таъминлаш каби мавзулар бўйича маҳорат ва амалий дарслар машғулотлар шаклида график-жадвал асосида кўчалар кесимида ташкил этиш;

Аҳоли турли гуруҳларининг соғлом овқатланишга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун шарт-шароитлар яратиш;

Маҳаллада аҳолини айниқса, биринчи навбатда эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахслар, нуронийларни чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш;

-тиббий кўриқ натижасида аниқланган беморларни белгиланган тартибда тиббий назоратга олиниши ҳамда амбулатор ва стационар шароитда соғломлаштирилишини ташкил этилсин;

- тиббий кўрик ҳисоботларини жамлаш ва таҳлил қилиб борилиши таъминлансин.

3. Ўтказилган тиббий кўрикларнинг белгиланган шакл асосида ишчи гуруҳ раҳбари томонидан электрон базага киритилиши ва вазирликнинг Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўлимига жамланма ҳисоботи тақдим этилсин.

4. Тахтакўпир, Қораўзак, Қонликўл ва Нукус туманларига Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ташкилий-услубий ёрдам кўрсатиш учун Республика даволаш муассасаларидан бириктирилган раҳбарлари (Бабажанов Муратбай Айтекович, Кутлымуратов Мэлс Турдымуратович, Салиев Яхия Мамутжанович, Мадреймова Джамила Рустамовна);

- туман аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан кўриқдан ўтказилишида ташкилий-услубий ёрдам кўрсатилсин.

5. Республика даволаш-профилактика муассасалари раҳбарларига;

- туман аҳолисини тиббий кўриқдан кўриқдан ўтказилишида юкори малакали мутахассисларнинг ўз вақтида иштироки таъминлансин.

6. Республика муассасаларидан тиббий кўрикларни ўтказишга жалб этилган барча ходимларнинг хизмат сафари ҳаражатлари ходимларнинг асосий иш жойидан тўланиши маълумот учун қабул қилинсин.

7. Республика тез тиббий ёрдам маркази Қорақалпоғистон ҳудудий филиали директори П.Пирлепесовга:

-ишчи гуруҳлар шаҳар/туман аҳолисини чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказиш учун автотранспорт (Автобус ISUZU, мобил поликлиника, HYUNDAI H-1) жалб қилиниши таъминлансин.

Мазкур кўрсатма хатнинг ижросини назорат қилиш Вазирликнинг Тиббий ёрдамни ташкиллаштириш бўлими бошлиғи О.Раджабов зиммасига юклатилсин.

Вазирнинг биринчи ўринбосари:

Қ.Ж.Камалов